



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2026
1-сон



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 yil, 1-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008 yil 31 dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e‘tirof etilgan

Tahririyat a‘zolari:

Mas‘ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardaev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardaeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay‘ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay‘ati raisi o‘rinbosari:

M.Q.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Tahrir hay‘ati a‘zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги инсон ресурслари билан ўлчанади	5
Сарвар Аюбовна Исхакова Ўзбекистонда хизматлар соҳасини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари	13
Anvar Nematovich Xoliqulov Servis sifati tushunchasining nazariy talqini	18
Зухриддин Санжар ўғли Рашидов Корхона самарадорлигини оширишни меҳнат ресурслари ҳаракати билан боғланишининг ўзига хос хусусиятлари	21
Mexrangiz Axtam qizi Mullayeva Xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat yurituvchi korxonalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning ustuvor yo‘nalishlari	25
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Фарида Абдухалимовна Ахмеджанова Роль эстетических показателей тканей в формировании потребительских и эксплуатационных свойств изделий	31
Рузбой Нормакматов, Акрам Гафуров, Баҳора Тўлқинова В ₁ - витамин (тиамин): ва унинг инсон соғлигини сақлашдаги аҳамияти	34
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Atrof-muhitga chiqarilayotgan sut zardobi tarkibidagi zardob oqsillari miqdorini kamaytirish texnologiyasi	37
Ro‘ziboy Normaxmatov, Zakirjon Erkinovich Mamarasulov, Ravshan Pirmatov Askorbin kislotasi (C vitamini) va uning ahamiyati	41
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Феруз Нематуллаевич Абилов Худудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишлари	44
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Обид Мамаюнусович Пардаев Коммунал хизматларни ривожлантиришнинг маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтционал асосларини такомиллаштириш	50
Акмал Алимжонович Салимов Ривожланган мамлакатларнинг олий таълим хизматлари сифатини ошириш тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари	56
Firuz Kurbanovna Achilova Mintaqada xizmatlar sektorining rivojlanishining zamonaviy modellari	61
Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов Хизмат кўрсатиш соҳасида сохта иқтисодиётнинг айрим кўринишлари ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари	66
Xusnora Dilmurod qizi Umarova Orolbo‘yi mintaqasida xizmat ko‘rsatish sohasini innovatsion boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish	71
Jahongir Aktamovich Haydarov Logistikada transport xizmatlari raqobatbardoshligini baholashning kompleks yondashuvlari	75

TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH

Феруз Нематуллаевич Абилов – Самарқанд вилоят хокимининг биринчи ўринбосари,
СамИСИ тадқиқотчиси

ХУДУДЛАРДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада ҳудудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишлари қараб чиқилган. Бунда камбағалликни қисқартиришнинг аҳоли томорқаларидан фойдаланишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Бунда аҳолининг камбағал қатлами тадбиркорлар томонидан томорқасидан фойдаланиш учун барча ёрдамларни кўрсатиб, етштирилган маҳсулотини ҳам бозор нархида сотиб олиб тўлиқ даромад қилиш имкониятларини яратади. Бу билан ҳар бир камбағал оила доимий иш ўринларига эга бўлади ва уларни тадбиркорларга қўшиш орқали камбағалликдан ҳам чиқариш йўллари қараб чиқилган.
Калит сўзлар: камбағаллик, камбағалликни қисқартириш, ишсизлик, бандлик, иш ўринлари, тадбиркорликка жалб этиш, томорқа, ундан самарали фойдаланиш, ерларни ижарага бериш.

Кириш. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан бири қишлоқ жойларда агросервис хизматларини жонлантириш орқали амалга ошириш кўзда тутилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги “Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-151- сонли Фармони қабул қилинди. Булар албатта тегишли натижаларга эришиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Жорий йилда 5 миллион аҳолимиз даромадли булиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди”¹, деб таъкидлаб ўтди. Бу бир йилда эришилган жуда катта ютуқ. Яна таъкидладик, “Бир эсланг, бу ишларни бошлаганимизда аҳолимизнинг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизимини йўлга қўйганимиз ва буларни маҳалладаги “еттилик”нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 карра қисқарди. Натижада уч йил олдин Камбағалликни 2026 йил якуни билан 2 карра қисқартириш буйича олган маррамизни шу йилнинг ўзида уддаладик”². Кўриниб турибдики, бу тадбирлар мамлакатимиз ва унинг ҳар бир ҳудудларида ҳам амалга оширилди. Ушбу ҳолатлар мазкур масаланинг ўта долзарб мавзуга бағишланганлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Ҳудудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишлари қараб чиқиш жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, абстракт фикрлаш, замон ва макон, монографик ва мантиқий ёндашув каби усуллардан фойдаланилган. Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, тегишли амалий тавсияларни асослашда мантиқий ёндошувлардан ҳам фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳудудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишларини изоҳлаш учун масалага комплекс ёндашувни талаб қилади. Бунда асосан рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект билан боғлиқ йўналишларни қарашни тақозо қилади. Бу жараённи қамраб олиш учун бир қанча йўналишларни инобатга олиш лозим. Булар қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. //

² Ўша жойда.

Худудларда камбағалликни қисқартиришнинг кўп қиррали инновацион йўналишлари

Т /р	Асосий йўналишлар	Асосий йўналишларнинг изоҳи
1.	Рақамли иктисодиёт ва технологиялар	Буни амалга оширишда: электрон хизматлар орқали аҳолига ижтимоий хизматларни тез ва шаффоф ҳолда етказиш, *рақамли платформа ва маркетплейслар орқали маҳаллий маҳсулотларни сотиш, *кам таъминланган аҳоли учун онлайн касб-хунар ўқув курслари ташкил қилиш лозим бўлади.
2.	Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш	Бунда: стартап лойиҳалар ва ижтимоий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, *ёшлар ва аёллар учун инкубатор ва акселераторлар ташкил этиш, *камбағал оилаларни оилавий бизнесга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.
3.	Қишлоқ хўжалигида инновациялар	Ушбу ҳолатда: агростартаплар, томорқадан самарали фойдаланиш учун интенсив боғдорчилик, иссиқхоналар-ни ташкил қилиш, *сув тежовчи технологияларни, хусусан, томчилатиб ва ёмғирли шаклда суғориш, *қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қиймат занжирини яратиш ҳам муҳим ҳисобланади.
4.	Касбий таълим ва инсон капитали	Булар: худуд эҳтиёжларига мос бўлган касб-хунар таълими, *дуал таълим тизими жорий қилиниб, таълим + амалиёт шаклида фаолиятни йўлга қўйиш, *камбағал аҳоли учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурлари ва йўналишларини амалиётга жорий қилиш.
5.	Молиявий инновациялар	Мазкур ҳолатда: микромолия ва микрокредитларни жорий қилиш, *ислом молияси инструментларидин, хусусан, мурабаҳа, мудораба кабилардан фойдаланишни йўлга қўйиш, *финтех хизматлари орқали молиявий инклюзияни кенгайтириш лозим бўлади.
6.	Ижтимоий ҳимоянинг инновацион механизмлари	Бунда: манзилли ижтимоий ёрдамни (Big Data асосида) ташкил қилиш, *ижтимоий контрактларни, яъни ёрдам + мажбурият принципини жорий қилиш, *камбағалликдан чиқиш бўйича индивидуал “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва буларни тўлиқ амалга ошириш лозим бўлади.
7.	Худудий ривожланиш ва кластер ёндашуви	Мазкур ҳолатда: саноат ва агрокластерларни бевосита қишлоқлар билан ҳамкорликда ташкил этиш, *туризм, хунармандчилик, хизматлар соҳасида маҳаллий кластерларни ташкил этиш, *худудий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илғор тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.
8.	Давлат–хусусий шериклик (DXSh)	Муҳим жиҳат: инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларда хусусий секторни жалб қилиш, *камбағал худудларда инвестициявий жозибadorликни ошириш лозим бўлади.
9.	Ижтимоий инновациялар	Бунда ҳам: нодавлат-нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамияти иштирокида биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш, *“Self-help” ва кооперация моделларидан фойдаланиш, *маҳалла тизими орқали инновацион ёндашувларни амалга ошириш лозим бўлади.

Мазкур жаadwalда ифода этилган худудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишларида барча жиҳатларнинг қисқача изоҳи келтирилган. Бунда учрайдиган айрим янги ва интернационал атамаларнинг мазмунини ҳам очиб беришга

харакат қиламиз. Бунда маркетплейслар сўзи келтирилган. Бунинг мазмунида асосан маркетплейс платформасидаги маълумотлар, контент ва маҳсулот тавсифи тушунилади. Бунда маҳсулот ва хизматлар тавсифи, яъни номи, расмлари, нархи, техник хусусиятлари, рейтинг ва шарҳлар. Шунингдек, фойдаланувчилар маълумотлари, хусусан, сотувчи профили, рейтинглари, фикр-мулоҳазалари ҳам ўз аксини топади. Яна савдо шартлари ва қоидалари ҳам акс эттирилади, яъни тўлов усуллари, етказиб бериш шarti, қайтариш сиёсати кабилар. Булардан ташқари платформа контенти, яъни реклама баннерлари, акциялар, тавсиялар ва янгиликлар ҳам шунда берилади. Булардан хулоса қилиш мумкинки, маркетплейс атамасининг мазмуни бевосита савдо платформасида фойдаланувчи ва сотувчи учун тақдим этилган барча ахборот ва маълумотлар йиғиндиси ўз ифодасини топар экан.

Мазкур йўналишнинг иккинчи бандида инкубатор ва акселераторлар келтирилган. Инкубатор ва Акселератор сўзлари кўпинча стартап ва тадбиркорлик муҳитида қўлланилади, лекин уларнинг мақсади ва фокуси бир-биридан фарқ қилади. **Инкубатор** деганда, стартап ёки янги бизнес ғояларини ташкилий равишда ривожлантириш ва тайёрлаш учун яратилган муҳит тушунилади. Бундан мақсад ғояларни реал бизнесга айлантириш, асосий бизнес кўникмаларини бериб, уларни ресурслар билан таъминлашга қаратилган бўлади. Чунки буларнинг муддати ҳам одатда узоқ бўлиб, 6 ойдан 2 йилгач елгиланади Инкубатор офис жойи, менторлик, ҳуқуқий ёрдам, бизнес режа тайёрлашда ҳам кўмакчилик вазифасини бажаради ва тегишли ресурслар билан таъминлайди. Қисқача қилиб айтганда, инкубатор ғояни тўлиқ амалиётга тадбиқ қилиб, ундан иқтисодий-ижтимоий ўсиш жараёнида фойдаланишдан ибоят бўлади.

Акселератор деганда, аллақачон ишлайдиган стартапларни жуда қисқа муддатда тез ривожлантириш ва инвестицияга тайёрлаш дастури тушунилади. Бунинг мақсади ҳам бизнесни тезроқ кенгайтириш, инвестицияларни жорий қилиш ва бозорга киритишга қаратилган бўлади. Бунинг муддати одатда қисқа бўлиб, 3–6 ойни ташкил қилади. Менторлик, инвестиция имкониятини оширади, бизнесни ривожлантириш, маркетинг ва савдо стратегиясининг амалга ошишида тезда ёрдам беради. Қисқача қилиб айтганда, ишлаб турган стартапни янада тезлаштириш ва ривожлантириш учун замин яратади.

Инкубатор билан акселератор маълум маънода бир биридан фарқ қилади. Масалан, инкубатор ғояни бойитади ва тайёрлайди. Акселератор эса, ишлайдиган стартапни тез ривожлантириб, инвестиция ва бозорга чиқишга ёрдам беради. Булардан ҳам кўриниб турибдики, ҳудудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишлари бевосита рақамлаштириш, тадбиркорлик, таълим, молиявий кўмаклашиш ва манзилли ижтимоий ҳимоя уйғунлигини таъминлашдан иборатдир. Ушбу ёндашувлар ҳудудий шароитларни, яъни қишлоқ ва шаҳар ҳудудларини ва улардаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, барқарор натижа беради.

Мазкур ҳолатни 2025 йил статистикасига кўра (миллий рўйхатлар ва жаҳон банки билан ҳамкорликда ўтказилган уй ҳўжаликлари бўйича сўров натижаларига кўра) берилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда, камбағал аҳолининг умумий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикада камайиб бориши кузатилмоқда. Мамлакатимизда 2025 йилда камбағаллик даражаси тахминан 5,8 %ни ташкил қилади. Ушбу аҳоли камбағаллик чегараси поёнида яшайди. Бу кўрсаткич 2024 йилдаги 8,9 %дан сезиларли даражада паст. Чунки 2022–2025 йиллар давомида камбағаллик даражаси камайиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда (1-расм).

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда камбағаллик даражасини камайтириш бўйича анча ютуқлар қўлга киритилган. Чунки камбағаллик даражаси 2022 йилда 14,0 % бўлган бўлса, 2023 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 11,0 %га туширилди. 2024 йилда эса 8,9 %ни ташкил қилган бўлса, 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 5,8 %га тушди. 2026 йилда эса ушбу кўрсаткични 4,5 %га тушириш мақсад қилиб олинган. Шу туфайли жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2025 йилда мамлакатимизда 302 мингта оила камбағалликдан чиқарилди. Агар ҳудудлар бўйича қарайдиган бўлсак, Хоразм вилоятида камбағаллик даражаси жуда юқори ва унинг даражаси 6,7 %ни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич Қорақолпоғистонда 6,6 %га тенг. Қашқадарё (6,5 %), Сирдарё (6,2 %), Сурхандарё (6,1 %), Самарқанд (6,1 %), Бухора (6,0 %) вилоятларида камбағаллик



1-расм. Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича камбағаллик даражасининг 2022-2025 йиллардаги ҳолати¹

даражаси 6,0 %дан зиёд. Навоий вилоятида 4,2 %ни ташкил қилса, энг минимал даражадаги камбағаллик даражаси, яъни 3,5 % Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

Аҳолининг даромадлилик даражаси ҳам ижобий томонга ўзгармоқда. Буни аҳолининг даромадларининг тенгсизлик даражасининг қисқаришида ҳам кўриш мумкин. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон аҳолиси даромадларининг 2024-2025 йиллардаги ўзаришлари²

Расмдан кўриниб турибдики, даромадлилик даражасининг индекси энг юқориси 1,0 квинтил бўлса, энг кам кўрсаткич 5,0 квинтилга тенг. Бироқ мамлакатимиз аҳолисининг

¹ https://dunyo.info/en/ekonomika/ceir-predstavil-analiz-urovnya-bednosti-i-dohodov-naseleniya-v-uzbekistane?utm_source=chatgpt.com

² https://dunyo.info/en/ekonomika/ceir-predstavil-analiz-urovnya-bednosti-i-dohodov-naseleniya-v-uzbekistane?utm_source=chatgpt.com

даромадлари ҳали анча паст. 2024 йилда 6,3 баробарни ташкил қилган бўлса, 2025 йилда 5,5 баробарга тенг бўлган. Бу Жинни коэффиценти бўйича 21024 йилдаги 0,35 дан, 2025 йилга келиб 0,33 га тенг бўлган. Бу ерда кескин ўзгаришлар Тошкент шаҳрида (2024 йилда 0,32 дан, 2025 йилга келиб 0,28 га пасайган), Сирдарё вилоятида (2024 йилда 0,32 дан, 2025 йилга келиб 0,28 га пасайган) ва Қарақолпоғистон республикасида (2024 йилда 0,32 дан, 2025 йилга келиб 0,28 га пасайган) содир бўлган.

Шу билан бирга, умумий камбағаллар сони мамлакат бўйича тахминан 2.2 миллион киши (аёллар, эркаклар ва болалар) деб баҳоланмоқда¹. 2025 йил маълумотларига кўра камбағалликнинг ҳудудий тақсимланиши қуйидаги ҳолатда (2-жадвал):

2-жадвал

Камбағаллик даражасининг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича тақсимланиши²

Т/р	Ҳудуд тоифаси	Камбағаллик даражаси ³ , %	Изоҳ
1.	Шаҳарларда	5.2	Камбағаллик даражаси шаҳарларда юқори эмас, аммо пастроқ тенденцияда.
2.	Қишлоқ ҳудудларида	6.4	Қишлоқда камбағалликнинг улуши шаҳарларга нисбатан бир оз юқори

Кўриниб турибдики, шаҳарларда камбағаллик даражаси қишлоқдагиларга нисбатан анча паст. Шаҳарларда ушбу кўрсаткич 5,2 %ни ташкил қилса қишлоқда камбағаллик даражаси 6,4 %ни ташкил қилади. Агар мамлакат аҳолисини тахминан 37–38 миллион деб оладиган бўлсак (2025 йил якунлари бўйича) умумий камбағаллар сони 2.2 миллион кишини ташкил қилади. Шаҳардаги камбағаллар 5.2 %ни ташкил қилганда камбағаллик шаҳар аҳолиси умумий аҳолининг қарийб ярмини (50 %) ташкил қилганда ҳам шаҳарда яшаётганларнинг 0.51–0.55 миллион кишиси камбағал бўлиши мумкин. Қишлоқдаги камбағаллар 6.4 %га тенг бўлганда қишлоқ аҳолиси (яъни қолган ~50 % 0.64–0.70 миллион киши қишлоқда камбағал бўлиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, шу йилларда қишлоқларда камбағаллик камаяётган бўлса-да, шаҳарларга миграция ҳолатлари рўй бермоқда. Шу билан бирга, камбағалликнинг сифат таркибига ишсизлик, даромадларнинг камлиги, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш етарли эмаслиги каби омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда охириги йилларда камбағаллик даражаси қисқариш тенденциясига эга. Бироқ, ҳудудларида шаҳар ва қишлоқлар миқёсида ҳамда вилоятлар кесимида ҳам камбағаллик даражаси бир хил эмас. Айрим вилоятларда Тошкент шаҳрига нисбатан икки баробар юқориликча сақланиб қолмоқда. Буларни инобатга олиб қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, ҳудудларда мамлакат аҳолисини камбағалликдан чиқариш учун “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишда кўп қиррали инновацион йўналишларини киритиш ва унинг бажарилишини тизимли равишда назорат қилишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, аҳолини камбағалликдан чиқариш учун ижтимоий инновацияларни ишга солиш, бунда нодавлат-нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамияти иштирокида биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш, аграр соҳада “Self-help” ва кооперация моделларидан фойдаланиш ва маҳалла тизими орқали инновацион ёндашувларни амалга ошириш лозимлиги ҳам асосланган.

Учинчидан, инкубатор ва акселераторлардан стартап ёки янги бизнес ғояларини ташкилий равишда ривожлантириш ва тайёрлаш учун яратилган муҳитни яхшилаш, булардан фойдаланишни тезлаштириш лозимлиги ҳам асосланган.

¹ https://nuz.uz/uz/2026/01/02/yzbekistonda-2025-jil-yakunlari-byjicha-kambarallik-darazhasi-va-axoli-daromadlari-taxlili-infografika/?utm_source=chatgpt.com.

² Dunyo.info. https://dunyo.info/en/ekonomika/ceir-predstavil-analiz-urovnya-bednosti-i-dohodov-naseleniya-v-uzbekistane?utm_source=chatgpt.com.

³ Булар тахминан ҳисобланган рақамлар, чунки шаҳар/қишлоқга асосланган аниқ сониялар кўпинча статистиканинг тегишли жадвалларида берилади.

Тўртинчидан, камбағаллик даражасининг мамлакатимиз худудлари бўйича тақсимланишида камбағаллик даражаси кишлоқларда шаҳарга нисбатан катталиги кузатилмоқда. Бу эса кишлоқларга саноат ва агрокластерларнинг бевосита ҳамкорлигини ташкил этиш, худудий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илғор тажрибаларни ишга солиш муҳим аҳамият касб этиши кўрсатиб ўтилган.

Бешинчидан, кишлоқларда янги иш ўринларини яратиш, бандликни ошириш ва камбағалликни қисқартириш учун туризм, хунармандчилик, хизматлар соҳасида маҳаллий кластерларни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Буларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда аҳолини бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш натижасида камбағалликни қисқартиришга эришилади ва бу амалдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида қўйилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пф-5975-сонли фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” пқ-4653-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 27 январда “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
4. Пардаев М.К., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: СамИСИ. – 2020. – 68 бет.
5. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”. Ўқув қўлланма -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 й.
6. Ricardo, David (1817) On the Principles of Political Economy and Taxation. Piero Sraffa (Ed.) Works and Correspondence of David Ricardo, Volume I, Cambridge University Press, 1951, p. 135.
7. Мухаммедов М. (2020) 1,9 АҚШ долларида кам маблағга кун кечираётганлар //“Zarafshon” газетаси. 2020 йил 23 июнь. 68 сон. 2-бет.
8. Ҳамидов Б. (2020) Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак? (Hamidov B. (2020) "Poverty rate in Uzbekistan. What should be done to reduce poverty?") review.uz/oz/au1 09.06.2020 15:13 780.

<p>Ф.Абилов</p> <p>Инновационные направления сокращения бедности в регионах</p> <p>Аннотация. В статье рассмотрены инновационные направления сокращения бедности в регионах. При этом разработаны конкретные меры по эффективному использованию приусадебных земель населения в целях сокращения бедности. В данном процессе предприниматели оказывают всестороннюю поддержку малообеспеченным слоям населения в использовании их приусадебных участков, а также выкупают выращенную продукцию по рыночным ценам, создавая тем самым возможности для получения полного дохода. В результате каждая малообеспеченная семья обеспечивается постоянными рабочими местами, а также рассматриваются пути вывода их из бедности путем интеграции с предпринимательской деятельностью.</p> <p>Ключевые слова: бедность, сокращение бедности, безработица, занятость, рабочие места, вовлечение в предпринимательство, приусадебный участок, эффективное использование, аренда земель.</p>	<p>F.Abilov</p> <p>Innovative approaches to reducing poverty in regions</p> <p>Abstract. The article examines innovative approaches to reducing poverty in regions. In this context, specific measures for the effective use of household land plots have been developed as a means of poverty reduction. Entrepreneurs provide comprehensive support to low-income groups in utilizing their household plots and purchasing the produced goods at market prices, thereby creating opportunities for generating full income. As a result, each low-income family gains access to permanent employment, and ways of lifting them out of poverty through integration with entrepreneurial activities are explored.</p> <p>Keywords: poverty, poverty reduction, unemployment, employment, jobs, involvement in entrepreneurship, household plots, efficient use, land leasing.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

☞ “SERVIS” ☞

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

06.03.2026 yilda terishga berildi. 19.03.2026 yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0031A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.

Litsenziya № 025316.

Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.